


## 🌐 ОҚ БОШЛИ ҚУМОЙНИНГ (*Gyps fulvus*) АРЕАЛИ

Европа, Яқин Шарқ бўйлаб тарқалади ва ғарбда Ҳиндистондан Португалиягача, шу жумладан Ўрта ер денгиздаги баъзи ороллардаги популяциялари ҳам киради. Шунингдек ареали Туркия, Қирим ярим ороли, Кавказ ва Марказий Осиёни ҳам камраб олади.



## 🌐 ҚУМОЙНИНГ (*Gyps himalayensis*) АРЕАЛИ

Тянь-Шань, Помир-Олой, Ҳимолай ва Тибет тоғлари ҳудудларида уялайди.



### Шартли белгила

- 🌐 Дунёда
- 🇰🇿 Қозоғистонда
- 🇺🇿 Ўзбекистонда
- 🏠 Йиртқич сутәмизувчиларни назорат қилиш учун мўлжалланган заҳарли ўлжалардан тасодифий заҳарланиш.
- 💉 Стероид бўлмаган яллиғланишга қарши ветеринария препаратларидан заҳарланиш.
- 🏠 Турларнинг уялари яқинида кончилик фаолиятини кенгайтириш.
- ⚡ Шамол электр станцияларининг қурилиши.
- 👨‍👩‍👧‍👦 Уялаш даврида безовта қилиш.
- ⚡ Очiq электр узатиш тармоқларида қушларнинг ўлими.
- 🍄 Озиқа заҳирасининг етишмаслиги.
- 🏠 Ов пайтида йўқолган ўқ-дорилардан, ярадор ҳайвондан, кўргошндан тасодифий заҳарланиши.

Фотосуратлар муаллифлари: Тимур Абдараупов, Валентин Солдатов, Игорь Карякин, Алёна Каптёнкина  
Муқовадаги фотосурат: Оқ бошли қумой

### Ахборот манбалари

Красная книга Республики Казахстан (2010)  
Состояние популяций хищных птиц-падальщиков в Казахстане (2012)  
Multi-species Action Plan to Conserve African-Eurasian Vultures (2017)  
Красная книга Республики Узбекистан (2019)  
Катастрофическое сокращение численности белоголового сипа в горах Каратау, Казахстан (2023)  
[www.iucnredlist.org](http://www.iucnredlist.org)  
[www.4vultures.org](http://www.4vultures.org)



Қумой • Болтаютар • Тасқара • Оқ бошли қумой

# ЎРТА ОСИЁНИНГ ЙИРИК ЎЛАКСАХУРЛАРИ

## 🌐 БОЛТАЮТАРНИНГ (*Gypaetus barbatus*) АРЕАЛИ

Осиёда — бутун Ҳимолайда (марказий Хитой, шимолий Ҳиндистон, Непал, Покистон, Афғонистон, Марказий Осиё, Манголия). Яқин шарқда — Эрондан Туркиягача, Яманда ва Саудия Арабистонида. Шарқий ва жанубий Африкада учрайди. Европада — Пиреней, Серра Невада ва Альп тоғларида, Корсика ва Критда.



## 🌐 ҚОРА ТАСҚАРАНИНГ (*Aegypius monachus*) АРЕАЛИ




Тур Европа Кавказ орти и ва Россияда уялайди. Шунингдек, Марказий шарқий ва жанубий Осиёда тарқалган.




## ОҚ БОШЛИ ҚУМОЙ • БЕЛОГОЛОВЫЙ СИП • АҚБАС ҚҰМАЙ


*Gyps fulvus*

**МАҚОМИ:** Заиф, қисқариб бораётган, ўтроқ, мозаик тарқалган номинал кенжа тур.

**СОНИ:**  80 000–900 000 вояга етган қушлар  
 бир неча ўнлаб жуфт  аниқланмаган

### ТАРҚАЛИШИ:

 Ғарбий Тянь-Шан, Қоратоғ ва Чу-Или тоғларида уялайди. 2016-йилдан буён турнинг мамлакат ғарбида, Оқтоғ тоғларида уялаши маълум.

 Ғарбий Тянь-Шан, Ғарбий Помир-Олой ва Қизилқум чўлининг қолдиқ тоғларида уялайди, кўчишда деярли ҳамма жойда учрайди.

**ЯШАШ/УЯЛАШ ЖОЙЛАРИ:** Тоғли ҳудудларда — қоялар, улардаги тоқчалар, кичик ўйиқларда уялайди.

**ОЗИҚАСИ:** Ўлакса.

**ТАБИИЙ ДУШМАНЛАР:** Йўқ.

**ТАХДИДЛАР:**  Қанотларининг кенглиги: 2,4–2,8 м

**МИГРАЦИЯ:** Ўтроқ тур, қисман кўчиб туради.

**ҚИШЛАШ ЖОЙИ:** Тахминан Ҳиндистон ва Покистон.

Кулранг-сарғиш тусдан тўқ жигарранггача товланади, боши ва бўйни оқ, ёрқин момиқ патлар билан қопланган. Қисқа патлардан иборат ёқаси оқ тусда, устки томони қўнғир-кумушсимон қопламали.




## ҚУМОЙ • КУМАЙ • ҚҰМАЙ


*Gyps himalayensis*

**МАҚОМИ:** Заиф ҳолатига яқин тур.

**СОНИ:**  66 000–334 000 вояга етган қушлар  
 50 жуфт  аниқланмаган

### ТАРҚАЛИШИ:

 Қозоғистонда уялаш ҳудуди мамлакат жанубидаги Талас Олатоғдан то жануби-шарқдаги Жунғор Олатоғнинг шарқий чегарасигача чўзилган.

 Ғарбий Тянь-Шан ва Туркистон тизмасида кўчиш даврида учрайди. Ҳисор тизмасида кам сонда уялаши қайд этилган.

**ЯШАШ/УЯЛАШ ЖОЙЛАРИ:** Денгиз сатҳидан 1 700–3 100 м баландликдаги тоғларда яшайди, ўрмон қатламининг юқори чегарасидан баландда, қояли жарликларда уялайди.

**ОЗИҚАСИ:** Ўлакса, кам ҳолларда кемирувчилар ва қушлар.

**ТАБИИЙ ДУШМАНЛАР:** Йўқ.

**ТАХДИДЛАР:** 

**МИГРАЦИЯ:** Ўтроқ тур.

**ҚИШЛАШ ЖОЙИ:** Ёш қушлар 100 лаб км масофага кўчиши мумкин.




Вояга етган қушларда боши ва бўйни оқ момиқ билан ёқаси эса жигарранг-симон чўзиқ патлар билан қопланган. Вояга етган қушлар оқ бошли қумойга ўхшайди, ундан танасининг жигаррангга қараганда ёрқин, кўпроқ кумушранг, қаноти ва думининг пастки қисми оқ бўлиши билан фарқ қилади. Бурун атрофи оч жигарранг.




## ТАСҚАРА • ЧЁРНЫЙ ГРИФ • ТАЗҚАРА


*Aegypius monachus*

**МАҚОМИ:** Заиф ҳолатига яқин тур.

**СОНИ:**  16 800–22 800 вояга етган қушлар  
 150–300 жуфт  аниқланмаган

### ТАРҚАЛИШИ:

 Жанубдаги Казгурт ва Қоратоғдан тортиб шимолда Олтойгача бўлган барча тоғли ҳудудларда уялайди. Мамлакатнинг ғарбий қисмида бир неча уялаш ҳудудлари маълум.

 Ғарбий Тянь-Шан, Ғарбий Помир-Олой, Букантоғ, Тамдитоғнинг қолдиқ тоғларида яшайди.

**ЯШАШ/УЯЛАШ ЖОЙЛАРИ:** Дарахтлар тепасида, қояларнинг ўйиқларида.

**ОЗИҚАСИ:** Ўлакса, кам ҳолларда суғур, айрим турдаги қушлар.

**ТАБИИЙ ДУШМАНЛАР:** Укки, бургут, тулки.

**ТАХДИДЛАР:** 

**МИГРАЦИЯ:** Мигрант тур.

**ҚИШЛАШ ЖОЙИ:** Тахминан Ҳиндистон ва Покистон.




Патлари тўқ жигарранг, қўнғир. Ёшлари қорамтир рангга эга. Боши момиқлар билан қопланган пати бўлмайди. Бўйнида калта патлардан иборат юмшоқ ёқаси ажралиб туради.





## БОЛТАЮТАР • БОРОДАЧ • САҚАЛТАЙ

*Gypaetus barbatus*

**МАҚОМИ:** Заиф ҳолатига яқин тур.

**СОНИ:**  1 675–6 700 вояга етган қушлар  
 50–100 жуфт  аниқланмаган

### ТАРҚАЛИШИ:

 Қозоғистоннинг жануби-шарқдаги баланд тоғларда яшайди. Устюртгача учиб келгани ҳақида маълумотлар бор.  Ўзбекистонда Ғарбий Тянь-Шан, Ғарбий Помир-Олой ва Оқтоғнинг қолдиқ тоғларида уялайди.

**ЯШАШ/УЯЛАШ ЖОЙЛАРИ:** Одатда 1000 метрдан баландда, олис тоғ ҳудудининг жарли релефларида яшайди. Қояларнинг тешиклари ва тоқчаларида уялайди.

**ОЗИҚАСИ:** Ўлакса — 85 % атрофида суяк.

**ТАБИИЙ ДУШМАНЛАР:** Йўқ.

**ТАХДИДЛАР:** 

**МИГРАЦИЯ:** Ўтроқ тур.

Думи ва қанотлари қорамтир, танасининг пастки қисми сарғиш-жигарранг, кўкраги ва бошининг орқаси сарғимтир тусда. Тумшуғидан кўзига томон қора чизик ўтган. Тумшуғининг асосида ингичка, қора рангдаги тутам патлар ("соқол") бор. Ёш болтаютарларнинг боши қорамтир-қўнғир ва қорин томони кумушсимон-қўнғир рангда.

